

Ерни экин экишдан олдин ва кейин ишлаш.
Қишлоқ хўжалиги экинларини
экиш усуллари.

- Режа:
- 1. Ерни экин экиш олдидадан ишлаш.
- 2. Ерни экин экишдан кейин ишлаш.
- 3. Қишлоқ хўжалиги экинларини экиш усуллари.

Ерни экин экишдан олдин ишлаш.

- **Ерни экин** экишдан олдин ишлаш бороналашдан бошланади.
- **Бороналанганда ернинг** юза қисми текисланади, энди ўсиб келаётган бегона ўтлар йўқотилади, кесаклар майдаланади, ҳосил бўлган қатқалоқ юмшатилади ва нам буғланишининг олди олинади.
- **Ерга экин экиш** олдидан ишлов беришни ер етилмасдан олдин бошлаб юбориш мумкин эмас, чунки бунда палахсалар ҳосил бўлади, унинг юза қисми зичлашади.

Ёзда кузги бугдойдан сўнг хайдаш (сифатли ўтказиш)



Ёзда кузги буғдойдан сўнг хайдаш (сифатсиз ўтказиш)



**Чигит экиш олдидан далани кўриниши
(ёзда сифатсиз ҳайдаш натижасида бегона ўтлар
билан зарарланиши)**



Ерни ҳар хил чуқурликда кузги шудгорлаш ва юмшатишнинг тупроқ зичлигига, намлик захирасига ва пахта ҳосилига таъсири

№	Шудгорлаш усули ва чуқурлиги	Тупроқнинг зичлиги г/м3 (0-60см)	Қўшимча намлик захираси м3/га	Пахта ҳосили, ц/га
1	Жорий қилинган технология бўйича 30 см. чуқурликда шудгорлаш	1.43	-	33.0
2	30 см чуқурликда шудгорлаш ва 50см. чуқурликда юмшатиш	1.35	150-200	35.6
3	икки ярусли плугда 15-30 см чуқурликда шудгорлаш ва 60см чуқурликда юмшатиш	1.30	200-250	38.7

Ерларни текислаш

Ўтказилса:

- текистланган даларда қишлоқ хўжалик машиналари юқори унум билан ишлайди;
- ерларнинг шўри яхши ювилади;
- уруғлар бир хил чуқурликка тушади;
- нихоллар бир текисда униб чиқади;
- тўлиқ қўчат олинади;
- 6-7 фоиз сув тежалади.
- Текисланган далаларнинг ҳамма жойида намлик бир текисда тўпланади, тупроқ бир вақтда етилади, қўчат тўлиқ ундириб олинади ҳамда ғўза қатор ораларига сифатли ишлов берилади.

Ўтказилмаса:

- текисланмаган далада пастқам ерларнинг тупроғи етилгунча, бошқа жойларида нам кўтарилиб ер қуриб кетади, бундай ерларни культиватор бир хил чуқурликда юмшата олмайди, бу эса:
- иш сифатини пасайтиради;
 - юмшатилмаган ерларда йирик йирик кесаклар пайдо бўлади;
 - тупроқнинг нами тез буғланади;
 - ўсимлик яхши ривожланмайди.

Ерларни текислаш

Ерларни нотекисликларини йўқотиш мақсадида капитал ва жорий текислаш ишлари олиб борилади.

КАПИТАЛ текислаш 3-4 йилда ўтказилади.

ЖОРИЙ текислаш шудгор ўтказилгандан сўнг олиб борилади.




ўтказилса

- Текис майдонда сувчи бир кунда 1.5-2.0 гектарни суғоради;
- Текисланган майдонда чигит экиш ва қатор орасига ишлов беришда бир кунда тракторчи 1.5-2 норма бажаради;
- Иш уиуми ошади;
- Яхши текисланган майдонларда сифатли шўр ювилади, сув сарфи камаяди, тўлиқ кўчат олинади.Суғориш ишлари сифатли ўтказилади, культивацияда майин тупроқ ҳосил қилинади;
- сарф харажатлар камайяди.

ўтказилмаса

- Текисланмаган майдонларда сувчи бир кунда 0.5-0,6 гектарни суғоради;
- Нотекис майдонларда тракторчини белгиланган нормани бажариши кийинчилик билан бўлади;
- Иш унуми пастлиги -бажариладиган агротадбирларни ўз вақтидан кечиктириб ўтказишга олиб келади;
- Шўр ювиш ишлари сифатсиз ўтказилади;
- Ниҳоллар шу сабабдан нотекис униб чиқади, кўчат сони камаяди;
- Ҳосилдорлика салбий таъсир этади.

Капитал ва жорий текислашда ишлатиладиган трактор ва агрегатлар



- 1-расмда ПА-3 маркали узун базали текислагич;
- 2-расмда ГН-4 ўрнатма грейдер пичоғи;
- 3-расмда ГН-2.8 маркали ўрнитма грейдер пичоғи

Лазер текислагич ёрдамида текислаш ишлари олиб борилмоқда (Трактор ТТЗ-80.10)



Ерни текислашда ишлатиладиган янги лазер мослама «Rugby 100LR»





28/06/2008 11:54




29/07/2008 08:47


Эрта баҳорда ишлов беришнинг асосий вазифалари, ўтказиш муддатлари ва усуллари :

- -ерларни эрта баҳорда ва экиш олдидан ишлов бериш куз-кишда ва эрта баҳорда тўпланган намни узоқроқ сақлаб туриш;
- -майда донодор, юмшоқ каватли тупроқ ҳосил қилиш;
- -уруғни бир хил чуқурликка тушишини таъминлайди,
- -уларни тўлиқ ва бир текис униб чиқишини;
- -бегона ўтларни қарши кураш;
- -дала сатҳини текислаш;
- -шўр тупроқларда эса тузларни юқорига кўтарилишига йўл кўймаслик.
- Ёғингарчилик кам бўлган ҳудудларда бороналаш февраль ойининг ўрталари ва мартнинг бошларида, бошқа ҳудудларда мартнинг ўртаси ва учинчи ўн кунлигида ўтказилади.

Тишли тиркалма “зиг-заг” борона



Чизель-культиватор ЧК-3.0



Экишдан олдин ерга ишлов бериш тадбирларининг тупроқ намлик захирасига ва пахта ҳосилига таъсири

Ерга ишлов бериш усули	Тупроқ намлиги (15 см чуқурликда ўртача, %)		Чигит- нинг униб чиқиш тезлиги, %	Пахта ҳосили
	1.IV	25.V	1.V	ц/га
Бороналаш	21.2	11.3	80.1	40.0
Чизиллаш (10-12 см), бороналаш, молалаш	22.9	20.9	98.7	43.0
Чизиллаш (20-25 см) бооналаш, молалаш	20.2	18.2	85.7	40.0

Эрта баҳорда ва экиш олдидан ишлаш сонининг пахта ҳосилига таъсири

Тупрокқа ишлаш усули:	Экишдан олдин ерни ишлаш сони	Пахта ҳосили, ц/га	Ҳосил- даги фарқ, ц/га
Эрта баҳорда бороналаш+экиш олдидан бороналаш+молалаш	3	40.7	-
Экиш олдидан бороналаш+ молалаш	2	42.1	+1.4
Экиш олдидан бир йўла бороналаш ва молалаш	1	39.2	-1.5

Лазер мослама билан текислаш натижасида олинадиган фойда.

№	Кўрсаткичлар номи	Текисланган майдон	Назорат майдони (текислаш ишлари ўтказилмаган)
1	Ҳосилдорлик, ц/га	33,4	28,9
	Назоратга нисбатан кўшимча ҳосил, %	+ 15,6	-
2	фойда, сум	1002000	867000
3	харажатлар, сум	784100	790300
4	Соф фойда, сум	217900	76700
	Кўшимча даромад, сум	+ 141200	-

Юқори даражада бегона ўт босган майдонларда айниқса, кузги буғдойдан бўшаган майдонлар ёзда ҳайдалганлиги сабабли баҳорда шу майдонларда

бегона ўтлар билан зарарланиши юқори бўлиши мумкин, бу эса чигит экиш вақтида салбий таъсир этади, шунинг учун чизель-культиваторларга тиркалган бороналар воситасида кўп йиллик бегона ўтлар илдизлари даладан тозалаб чиқарилади. Юзада қолган илдизлар эса қўлда теришиб, даладан олиб чиқилади ва ёқиб юборилади. Бегона ўтлар билан ўртача ва кам зарарланган ерларда бороналаш билан ҳам уларни йўқотиш мумкин. Кейин экиш олдидан мола босилади. Айрим майдонлардаги нотекисликларни бартараф этиш учун жорий текислаш ишлари ўтказилади.

Чигит экиш олдидан тупроққа ишлов бериш.

Экиш олдидан тупроққа ишлов бериш бевосита бундай тадбир чигит экиш олдидан ёки ундан 5-10 кун олдин ўтказилади. Тупроқнинг ҳолатига қараб қуйидаги тадбирлар амалга оширилади: шўрланмаган, бегона ўтлардан нисбатан тоза майдонлар бир вақтнинг ўзида мола тиркаб бороналанади. Бегона ўтлардан тоза майдонларни экиш олдидан текислагич агрегатлар ёки мола ёрдамида текислаш кифоя қилади.


Юқори даражада бегона ўт босган майдонларда айниқса, кузги буғдойдан бўшаган майдонлар ёзда ҳайдалганлиги сабабли, баҳорда шу майдонларда бегона ўтлар билан зарарланиши юқори бўлиши мумкин. Бу эса чигит экиш вақтида салбий таъсир этади, шунинг учун чизель-культваторларга тиркалган бороналар билан кўп йиллик бегона ўтлар илдизлари даладан тозалаб чиқарилади. Юзада қолган илдизлар эса қўлда терилиб, даладан олиб чиқилади ва ёқиб юборилади. Бегона ўтлар билан ўртача ва кам зарарланган ерларда бороналаш билан ҳам уларни йўқотиш мумкин. Кейин экиш олдидан мола босилади. Айрим майдонлардаги нотекисликларни бартараф этиш учун пардозлаш моласи ўтказилади.

Экиш олди ишлари ва чигит экиш мавсумини туман ва вилоятлар шароитида қисқа (7-10 кун) муддатда, сифатли ўтказиш чораларини кўриш лозим.

**Мола ўтказиш сонини тупроқ хажм массаси, чигит униб чиқиши, кўсак сонига ва пахта ҳосилига таъсири
(Хоразм вилояти мисолида).**

шудгоргача	Хажм оғирлиги, г/см³	Чигит униб чиқиши, %	Кўсаклар сони, д. (1.09)	Пахта ҳосили, ц/га
Шудгор+ оғир борона билан бороналаш+ енгил дисколаш	1.49	73.3	14.2	45.7
Фон+1 марта молалаш	1.38	88.6	12.9	47.2
Фон+2 марта молалаш	1.46	90.1	11.9	47.4
Фон+3 марта молалаш	1.48	81.2	11.7	44.6

МВ-6.0 текислагич-мола.





Ўзбекистонга раҳмат